

**ИИО ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗ ХИЗМАТ БУРЧЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИГА
ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ БОШҚА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ****Насиллоев Абдулло Аббор ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

abdullonasilloev@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574961>

Annotatsiya: Ушбу мақолада ички ишлар органи ходимининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг мазмун-моҳияти, шу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрлари таҳлили, шунингдек, ички ишлар органи ходимининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлигининг бошқа ҳуқуқбузарлик турларидан фарқли жиҳатлари баён этилган.

Kalit so'zlar: ички ишлар органи ходими, қаршилик кўрсатиш, сохта уйдирмаларни тарқатиш, маъмурий жавобгарлик.

Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 195-моддасида келтирилган бўлиб, мазкур норманинг диспозициясида ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди шунингдек ички ишлар органлари ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши белгиланган бўлса, санкция қисмида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазоси қўлланиши белгиланган. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг кодекснинг 194-моддасида келтирилган ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигидан фарқли томони шундаки, ушбу ҳолатда ҳуқуқбузар шахс бошқа субъектларнинг ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармасликлари учун уларга ҳар қандай шаклда даъватлар қилади ёки оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатади. Мазкур ҳуқуқбузарликни юридик жиҳатдан таҳлил қилган ҳуқуқшунос олима Л.Соловёванинг таъкидлашича омма олдида даъват қилиш бошқа фуқароларни жамоат жойини тарк этишдан бош тортиш, ҳаракатни тўхтатмаслик, ҳокимият вакиллари обрў-эътиборига путур етказиш, уларни ҳақораташ, уларга зулм ўтказиш каби қилмишлар содир этишга ундашдан иборат.[2] Бундан шуни англаш мумкинки, ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш ҳуқуқбузар шахслар томонидан содир этилаётган ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш тартибини бузиш ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларини давом эттиришига ёки ҳақорат қилиш, майда безорилик, маиший шовқинга қарши кураш талабларини

бузиш каби янги ҳуқуқбузарликларни содир этишига ундаш ҳисобланади. И. Н.Астафьев ва

В.С.Яловик каби ҳуқуқшунослар фикрига кўра ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлиги жамоат тартибини қўпол равишда бузиш билан биргаликда давлат органлари ва уларнинг вакилларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш каби қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият тартибига ҳам тажовуз қилади.[3]

Ушбу ҳуқуқбузарликни юридик жиҳатдан таҳлил қилганда унинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддасида келтирилган ҳоқимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятдан фарқли томонларини кўриб чиқиш лозим бўлади.[4] Мазкур жиноятнинг ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлигидан фарқли жиҳатларини ўрганган ҳуқуқшунос олимлар Р.Кабулов ва М.Хайдаровларнинг фикрига кўра ҳоқимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш фаол ёки пассив шаклларда намоён бўлиши мумкин. Фақатгина фаол қаршилик кўрсатиш жинойий жавобгарликни келтириб чиқариб, ҳуқуқбузарнинг пассив қаршилик кўрсатишда ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари (масалан

195-модда. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш; 196¹-модда. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш) бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.[5]

Пассив қашилик кўрсатиш деганда айбдор томонидан ҳоқимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ёки уларни бажармасликка қаратилган ҳаракатлари масалан, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этмасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилиш ва бошқа шу кабилар тушунилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқбузарликнинг жиноятдан фарқли жиҳатларини таҳлил қилган ҳуқуқшунос олим М.Х.Рустамбоев[6] ва Э.М.Нишоновларнинг[7] таъкидлашига кўра, айбдор томонидан қаршилик кўрсатиши А.К.Янгибаев фикрича, ҳоқимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга содир этилган бўлиши мумкин[8]. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги одекснинг 195-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топиш учун эса қаршилик кўрсатиш айнан ички ишлар органлари ходимига нисбатан содир этилган бўлиши лозим.

Шунингдек, Ш.Қушбоқов таъкидлаганидек, ҳуқуқбузар шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ жавобгар бўлган [9] мазкур модданинг диспозиция қисмида ички ишлар органлари ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш ҳам келтирилган бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида[9] (туҳмат) келтирилган ҳуқуқбузарликдан фарқлаш лозим.

Л.Соловёванинг фикрига кўра сохта уйдирмалар деганда айбдорнинг бошқа фуқаролар орасида тарқатган турли миш-мишлари, хабарлар тушунилади.[2] Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Рахмонов уйдирмалар тарқатишни аслида рўй бермаган маълумотлар, фактларни ҳеч бўлмаганда битта шахсга оғзаки, ёзма ёки бошқа усулда маълум қилиш дея таърифлаган.[10] Ушбу таърифлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарнинг умуман бўлмаган факт ва маълумотлар, юз бермаган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш ёки айрим лавҳаларни бузиб кўрсатишдан мақсади ички ишлар органлари ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқаришга қаратилган бўлади. Кодекснинг 40-моддасида келтирилган тухматда эса айбдор айнан бир ёки бир неча шахс ҳақида била туриб ёлғон, маълумотларни ёки уни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатади.[7]

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг
2. 195-моддаси [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат қилинган вақт:12.10.2022й)
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Тошкент. “Адолат”-2000-й. 329-бет.
4. И. Н. Астафьев, В. С. Яловик. О некоторых вопросах ответственности за неповиновение и сопротивление сотруднику органов внутренних дел (полиции) по законодательству Республики Беларусь и Российской Федерации./ Могилев. институт МВД, 2022. – 1 электрон. опт. диск (CD-R). – С. 17–20. Кириш йўли: http://elib.institutemvd.by/handle/MVD_NAM/6325
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 219-моддаси [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат қилинган вақт:12.10.2022 й)
6. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 – 1098 б. 695-бет.
7. Рустамбоев.М.Х. ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳ [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан] махсус қисм / М.Рустамбоев – Тошкент: “Адолат”, 2016. – 960 б. [Кириш йўли:] https://drive.google.com/file/d/1ctKcLoMP8UaC5BgGscM_SA10i8fjYlh/view?pli=1 мурожаат қилинган вақт: (29.10.2022 й)
8. ўғли Нишонов Э. М. Безорилик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар //Results of National Scientific Research. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 511-517.
9. Янгибаев А. К. Правовые основы участия политических партий в формировании органов государства в Узбекистане //Законность и правопорядок в современном обществе. – 2015. – №. 24. – С. 67-71.
10. Кушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат қилинган вақт:30.10.2022й)
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Тошкент. “Адолат”-2000-й. 72-бет